

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ А2-ФА-0-97590
РАҚАМЛИ “ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МУЛКИЙ ВА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ”
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ ГРАНТИ

**ҚАДР – ҚИММАТИМ,
ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН,
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**

мавзусида илмий мақола ва тезислар
ТЎПЛАМИ

Андижон 2013

19. Экология соҳасидаги бошқарувнинг иқтисодий чора-тадбирлари - Т.Р.Раҳмонов ТДЮУ катта илмий ходим – изланувчиси.....69
20. Экологик назоратни ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ҳуқуқий асослари - Э.О.Атаев ТДЮУ катта илмий ходим – изланувчиси.....76
21. Ўзбекистон мустақил ватандир - Абдувалиев Хуршидбек Равшанович АДУ умумий тарих кафедраси ассистенти.....81
22. Экология ҳуқуқи фанини ўқитишни такомиллаштириш масалалари - Р.С.Тошбоева ю.ф.н., доц. В/б Термиз давлат университети.....83
23. Barkamol avlod ta'lim-tarbiyasi va ma'rifat - ADU o'qituvchisi - U. Usmonova, ADU talabasi V. Rahimova87
24. Беломор – болтик лагерига сургуи қилинган Ўзбекистонлик махбуслар ҳаётига доир - Холмирзаев Элёрбек Рафиқович АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси91
25. Ўзбекистон:таълим тизимидаги кўптиллилиқ - Мирзаев Сарварбек Авазбекович Андижон машинасозлик институти ассистенти.....95
26. Инсон ва индивидуаллик - ADU, MFMAXT йўналиши ассистенти А.Жалолова.....97
27. Inson huquqlari, erkinligi va manfaatlari - oliy qadriyat Solohiddinov Hasanboy ADU MG'MAXT-yo'nalishi 3-bosqich talabasi.....99
28. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини ҳуқуқий таъминлаш-фермер хўжаликлари фаолиятининг кафолати - Э.Р.Қурбонов ТДЮУ катта илмий ходим – изланувчиси.102

ЎЗБЕКИСТОН: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ КЎПТИЛЛИЛИК

Мирзаев Сарварбек Авазбекович
Андижон машинасозлик
институтини ассистенти

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан мамлакатимизда давлат тили ўзбек тили ҳисобланиб, давлатимиз ўз худудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Республикаимизда яшовчи ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бепул умумий таълим олиш ҳамда мактаб ишлари давлат томонидан кафолатланади ва назорат қилинади¹.

Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонуни 30 та моддадан иборат бўлиб, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, давлат тилини, яъни ўзбек тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш ва лотин ёзувиги асосланган ўзбек алифбосига мукамал ўтилишини таъминлаш мақсадида мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгач 24 та моддадан иборат ҳолда унинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1995 йил 21 декабрдаги № 167-1 сонли фармони билан тасдиқланди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 6-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат тилида, шунингдек, бошқа тилларда ҳам умумий, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий маълумот олишни таъминлайди. Давлат умумий ўрта маълумот олишни давлат тилида, шунингдек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман миллатларининг тилларида олиб борилишини таъминлайди.

Давлатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан 1997 йил 29 августда тасдиқланган «Таълим тўғрисида» ги қонун 34 та моддадан иборат бўлиб, унинг 8-моддаси “Таълим бериш тили” деб номланиб, унга биноан таълим муассасаларида таълим бериш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2012, 9-бет.

тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади².

Таълим тилини эркин танлаш ҳуқуқи таълим тўғрисидаги конституциявий нормани ривожлантиради. Бу ҳуқуқ мамлакатимизда миллий сиёсатнинг бош тамойили ҳисобланади. Республикада яшовчи барча фуқаролар ўқишга кириш чоғида таълим тилини танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ота-оналар умумтаълим мактаблари ва ўқув юртларига фвзандларини жойлаштираётганларида ўз хоҳишларига қараб, таълим тилини эркин танлайдилар. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника билим юртлари ва олий ўқув юртларига ўқишга киришлари чоғида 16 ёшга кирган шахслар қайси тилда таълим олишни ўз хоҳишларига кўра танлайдилар.

Фуқаронинг таълим тилини танлаши умумтаълим мактаблари ва барча ўқув юртлари мансабдор шахслари томонидан албатта ҳисобга олинмоғи лозим. Фуқаролардан таълим тилини эркин танлашдан воз кечишни талаб қилиш ёки шу мақсадда уларни бирон-бир ҳуқуқлардан маҳрум этиш ёхуд уларнинг зиммасига мажбуриятлар юклаш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасида (давлат тили тўғрисидаги қонунни бузиш) ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141-моддасида назарда тутилган (фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини бузиш) жавобгарликка сабаб бўлади. Билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим тили республикадаги таълим тизими идоралари томонидан ўқувчилар ва талабалар мазкур ўқув юртларига қираётган чоғда уларнинг хоҳиш-истаклари эътиборга олинган ҳолда ва халқ хўжалиги учун бундай мутахассисларга бўлган заруриятга қараб белгиланади³.

Президент Ислам Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида «Ўқувчиларга 12 йиллик умумий ва ўрта махсус таълим бериш давлат томонидан кафолатланади. Бу ёшларнинг билим олишлари ёки хунар ўрганишларидан ташқари, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлайди»⁴, деб таъкидлаган.

Ҳозирги кунда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тизимида жами 742 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият

² Олий таълим. Меъриий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 2004, 4-бет

³ Абдумажидов Г. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунга шарҳлар. – Т:

«Адолат», 1999, 15-бет.

⁴ Ислам Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1998, 18-бет.

кўрсатиб келмоқда. Мазкур мактабларда таълим давлат тилида олиб борилишидан ташқари, 53 та мактабда рус тилида, 28 та мактабда эса қирғиз тилида таълим олиб борилмоқда.

Бундан ташқари вилоятимиздаги бир қатор лицей ва коллежларда ҳам давлат тили билан бир қаторда рус тили йўналишида ҳам таълим жараёни йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Шунингдек, Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларида ҳам кўптиллилик тизимининг мавжудлиги ҳам эътиборга моликдир. Масалан, Андижон қишлоқ хўжалик институти, машинасозлик институти, тиббиёт институти ва Андижон давлат университетиди давлат тили билан бир қаторда рус тилида таълим олиб бориладиган йўналишлар мавжуд бўлиб, уларда етук мутахассислар тайёрланмоқда. Вилоятимиздаги таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактабларни илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2004 йилдан буён Андижон давлат университетининг филология факультетида қирғиз тили ва адабиёти бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, такрорланмас, буюк тарихимиз, анъаналаримизга асосланган ва шу билан бирга ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган Кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди⁵. Бу, ўз навбатида, замон талабига мос мутахассислар тайёрлаш учун, авваламбор, ўқув юртаримиз қиёфаси, моддий-техника ва ахборот базаси ҳам замонавий бўлиши лозимлигини талаб этгани туфайли мазкур йўналиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилоқда.

ИНСОН ВА ИНДИВИДУАЛЛИК

АДУ, МҒМАҲТ йўналиши
ассистенти А.Жалолова

Ижод ўрта асрларнинг ҳақиқий кашфиётчилари, усталари, конструкторларидан бутунлай ажралган яширин жараён сифатида амалга ошган. Тарих уларнинг номларини сақлаб қолмаган. Зеро, фақат Худо бутун оламнинг буюк устаси ва яратувчиси сифатида

⁵ Барқамол авлод оғузи. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борисидидаги публицистик мулохазалар. «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 1998, 68-бет.